O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
OHANGARON TUMANI
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ХОКИМ
АХАНГАРАНСКОГО РАЙОНА
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

QAROR
РЕШЕНИЕ

2017 йил «03» 02 92 сон Охангарон т.

Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни хисобга олиш ва уларнинг техник холатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012й., 50-сон, 559-модда) ва Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарни техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат раками 2452, 2013 йил 25 апрел), (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан катъий назар (Охангарон туман Мудофаа Ишлари булими, Охангарон туман Ички Ишлар бўлими, Охангарон тумани Миллий хавфсизлик хизматидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникалар бундан мустасно) корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2016 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш учун туман ишчи гурухи таркиби 2-иловага мувофик тасдиқлансин.

3. Қишлок хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1-августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш туман «Ўздавтехназорат» инспекцияси қишлок хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (Г.Умаров) га юклатилсин.

5. Охангарон туман хокимининг 2016 йил 12 февралдаги 68-сонли «Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2016 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтқазиш тўғрисида»ги қарори бекор қилинсин.

6. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорни бажарилиши назорат килиш туман хокими ўринбосари Р.Содиқов ва туман Қишлок ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи И.Файзиев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **Р. Убайдуллаев**